1-38297

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

22 январь, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 16 (1533)

## САМИМИЙ ТАБРИК

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муборак Рамазон ойи муносабати билан Сиз жаноби олийларига энг самимий табрикларим ва эзгу истакларимни йўллаш ҳамда Сизга мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Аллоҳ таъолодан барча мусулмон оламига мадад беришни, шунингдек, мамлакатларимиз халқлари тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ўз мақсадларимизга етказишини тилайман.

**Зайн ал-Обидин бин АЛИ,**
**Тунис Республикаси Президенти.**

## ОЛИМПИЯ ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИГА ҲАДЯ





Ўзбекистон Республикаси Олимпия шон-шуҳрати музейида АҚШдаги кимошди савдоларидан бирида музей ҳомийлари сотиб олган катта коллекцияни музейга топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Бу ноёб коллекция «Москва-80», «Мехико-68» олимпияда машъаласи, сўнгги ўн йилликда турли қитъаларда ўтказилган олимпия ўйинларига доир жуда кўп ҳужжатлардан иборат. Бир қанча ҳужжатлар 1936 йилдаги Берлин олимпия ўйинларига таалluқли бўлиб, уларнинг орасида ўша даврда Германия пойтахтининг олимпияда харитаси ҳам бор. Коллекцияда жуда кўп эсдалик медаллари ва нишонлари ҳам мавжуд.

-- Бу ҳадяни топширар эканман, ўтган йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейини тантанали очиш маросимида иштирок этган халқаро олимпия қўмитасининг президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч бу музей ҳақида жаҳондаги энг яхши музейлардан бири, деб фахрланиб гапираётганини тасдиқлашдан бахтиёрман, -- деди жаҳон олимпия қўмитаси комиссиясининг аъзоси Олег Воронцов, — у мазкур маросимда иштирок этиш учун Тошкентга келган.

Халқаро олимпия қўмитасининг вакили музей тўғрисидаги катта ғамхўрлиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига миннатдорлик билдириб, тез орада бу ерда хоҳлаган одамлар олимпия ҳаракатининг тарихи, Халқаро олимпия қўмитаси қарорлари ва материаллари, бу соҳада амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар тўғрисида батафсил ахборот олиши мумкин бўлган кутубхона пайдо бўлади, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев тантанали маросимда тўпланганларни шу унутилмас воқеа билан табриклаб, ижтимоий ҳаётимизда бунёдкорлик жараёнларини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади. Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейи ҳам шу ишга кўмаклашмоғи лозим, унинг вазифаси олимпия ҳаракатининг олижаноб ғояларини фаол тарғиб этишдан, ёш авлодни бу ҳаракатга жалб қилишдан иборат. У мустақил Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейи экспозицияси, аввало, мамлакат спортчиларининг халқаро мусобақаларда Ватанимиз шуҳратини оширадиган иштироки ва мукофотлари билан тўлдириб борилишига ишонч билдирди.

**С. ТЕН,**
**ЎзА мухбири.**

*• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА*

## ИДОРА ҲУЖЖАТЛАРИ КОДЕКСЛАРГА МОСЛАШТИРИЛМОҚДА

***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси Нуриддин Исмоилов олиб борди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси»ни амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг идоравий норматив ҳужжатларни янги кодексларга мувофиқлаштиришга доир қисмини бажариш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Маълумки, мазкур кодексларнинг амал қилаётганига салкам 2 йил бўлмоқда. Ана шу давр мобайнида ҳар икки кодекс ҳам республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулк, давлат ва жамият манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни қўриқлашда фаол хизмат қилиб келмоқда. Бироқ мазкур қонунларни янада самаралироқ ишлаши учун бошқа идоравий норматив ҳужжатларни ҳам кодекс талабларига мослаштириш зарурати пайдо бўлди. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан республикамиздаги тегишли вазирлик ва идораларда бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу ўринда Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган ишларни алоҳида таъкидламоқ керак.

Ана шу жараёнда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан 150 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди, йигирма бешга яқини янгидан тасдиқланди. Масалан, янги кодекслар амалга киритилиши билан Ички ишлар вазирлигида 50 дан ортиқ идоравий ҳужжатлар бекор қилинди. Соғлиқни сақлаш вазирлигида 20 га яқин буйруқ ва йўриқномаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ҳам мазкур қарор ижроси юзасидан талай ишлар қилинди. Шу билан биргаликда айрим идоравий ҳужжатлар кодекс талабларига мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли амалда айрим муаммолар юзага келмоқда. Масалан, Жиноят кодексининг 199-моддасида ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талаблари бузилган, оғир оқибатларга олиб келган ҳолда жиноий жавобгарлик белгиланган. Лекин Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги томонидан ана шу моддага нисбатан тегишли қоидалар ишлаб чиқилмаган.

Тегишли идоралар томонидан савдо қоидаларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тасдиқланмаганлиги тергов-суд амалиётида Жиноят кодексининг 189-моддасини қўллашда бирмунча қийинчилик ва мураккабликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам айрим норматив ҳужжатларни қабул қилиш ниҳоясига етказилмаганлиги аниқланди. Бундай масалаларни бошқа вазирлик ва идоралар мисолида ҳам келтириш мумкин.

Йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар вакилларини ушбу қарорнинг ижросига доир ҳисоботлари тингланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 1996 йил якунларига доир ҳисоботи ва жорий йил иш режаси тасдиқланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров иштирок этди.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг парламентдаги мухбири.**

## ИНСОН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 1997 йилни инсон манфаатлари йили деб эълон қилган эди. «Ўзбекистон матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналар томонидан аҳолига савдо хизмати кўрсатиш аҳволини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Президент фармойиши ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Андижон вилояти ҳокимлигида шаҳар ва туман ҳокимлари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фаоллар иштирокида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисда ана шу масала муҳокама этилди. Уни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Юсупов бошқарди.

Мажлисда матлубот кооперацияси тизимида қишлоқ аҳолисининг озиқ-овқат ва халқ истеъмоли буюмларига бўлган талабини қондириш, товарларнинг асосий қисмини маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Хорижникидан қолишмайдиган бу маҳсулотлар аҳолига ғоят манзур бўлмоқда. Айни вақтда шаҳар ва туманларда хусусийлаштирилган айрим савдо дўконлари ва корхоналар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, уларнинг фаолияти устидан тегишли назорат ўрнатилмаган. Ҳамма савдо нуқталарида ҳам касса аппаратларидан самарали фойдаланиляпти, деб бўлмайди.

Аҳолини озиқ-овқат ва саноат буюмлари билан таъминлашда баъзан узилишлар юз бераётганига матлубот жамиятларида айланма маблағ етишмаслиги сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Маблағ топиш учун эса мавжуд акцияларнинг тезроқ сотилишига эришиш, омборларда тўпланиб қолган саноат буюмларини арзонлаштирилган нархда савдога чиқариш, корхоналар билан самарали контрактация асосида ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш, аҳоли талаби ва эҳтиёжини ўрганиш шу куннинг асосий вазифаси бўлиб қолаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади**

### ҲАР ИШДА ТАШАББУСКОРЛИК БЎЛСИН

***Жиззахда фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги якунлари ва хўжалик тармоқларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вазифалари муҳокама этилди.***

Йиғилишда ўтган йили амалга оширилган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, эришилган муайян натижалар қайд этилди, йўл қўйилган камчиликларга тезроқ барҳам бериш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, пахта, ғалла, гўшт, сут ва тухум тайёрлаш топшириқлари бажарилмади. Савдо, маиший хизмат ва маориф соҳаларидаги ишларни ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Пулли хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмас, аҳолини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилмоқда. Шифохоналарда дори-дармон ва зарур асбоб-ускуналар етишмаётгани сезиляпти. Айрим қишлоқ мактаблари авария ҳолатида. Бу муаммоларни ҳал этиш учун, аввало, барча бўғинлардаги раҳбарлар ташаббус ва ташкилотчилик кўрсатиши зарур.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

### ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ЙИЛИ

***Бухорода ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 1996 йил якунлари ҳамда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими С. Ҳусенов бошқарди.***

Йиғилишда сўзга чиққанлар ўтган йили вилоятда халқ хўжалигининг турли соҳаларида муайян натижаларга эришилганини қайд этиб, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга тўғаноқ бўлаётган муаммоларни тезроқ бартараф этиш хусусида фикр юритдилар. Жумладан, 23 саноат корхонасида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига йўл қўйилди. Ғиждувон, Вобкент, Олот туманларида аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш камайди. 14 корхона контрактация шартномаларини бажармади. Қишлоқ хўжалигида ҳам аҳвол ўнгланмаяпти. Мавжуд 2211 пахтачилик бригадасидан 1200 таси йиллик режани уддалай олмади. Гўшт, сут етиштириш анча камайди. Аксарият ҳиссадорлик жамиятлари сотувга акциялар чиқармаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Фаоллар йиғилишида Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида бу борада ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, 1997 йилда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

### ЭКИН МАВСУМИ

***Наманган вилояти хўжаликлари баҳорги экиш ишлари учун таъмирланган қишлоқ хўжалиги техникасини қабул қилиб ола бошлади.***

Экиш мавсумигача машина-трактор паркларини ташкил этиш ишларини охирига етказиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда вилоятдаги «Деҳқонмашсервис» акционерлик жамияти таркибида бешта парк ишлаб турибди. Баҳоргача яна саккизта парк тузиш режалаштирилган.

Бу йилги экиш ишларида бутунлай янги техника ҳам қўлланади. Масалан, «Қўғай» акционерлик жамияти ишлаб чиқарган техникадан фойдаланиб, чигит плёнка остига экилади. Баҳоргача вилоят хўжаликларига бундай техникадан 400 таси етказиб берилади. Шунингдек, ғилдиракли ҳайдов тракторлари муаммоси ҳам ҳал қилинмоқда. Наманагандаги «Агромаш» акционерлик жамияти жамоаси Россиялик ҳамкасблари билан биргаликда бундай тракторларни ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил қилишни режалаштирмоқда.

### «ҚОРАҚУМ»ГА ОБИ ҲАЁТ КЕЛДИ

***Юртбошимизнинг қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш тўғрисидаги фармони изчил бажарилаётгани Хева тумандаги янги «Қорақум» жамоа хўжалиги хонадонларига сув қувурлари жадал тортилаётгани мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда.***

Воҳанинг қум этакларида ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган бу хўжалик аҳолиси шу йилиёқ тоза ичимлик сув билан таминланади. Хайрли ишни вилоят «Обиҳаёт» фирмаси билан Германиянинг «Шнайдер» фирмаси ҳамкорликда амалга оширмоқда.

## АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК

***Тошкент шаҳар она ва ҳомила саломатлигини назорат қилиш марказида пойтахт ҳокимлиги ва шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташкил этган «Аёл ва саломатлик» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.***

Унда туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, тиббиёт муассасалари, маҳалла қўмиталари вакиллари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш ҳамда соғлом авлодни тарбиялашда ҳокимлик ва хотин-қизлар қўмиталарининг вазифалари, шунингдек, бозор иқтисодига ўтиш шароитида аёллар меҳнати ва саломатлигини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг тутган ўрни ҳақидаги маърузаларни тингладилар, марказ фаолияти билан танишдилар.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

*Ҳамкорлик робиталари: Ўзбекистон -- Чехия*

## ЎТМИШГА ТАЯНИБ, ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК САРИ

Агар 90-йилларда дунё ҳамжамиятида Чехиянинг ўзига хос қиёфаси ҳақида гап кетадиган бўлса, унинг коммунистик режим асоратидан қутулган мамлакатлар ичида ўз йўлини тезда топа олган, сиёсатда умуминсоний қадриятларга амал қилиб, иқтисодиётда изчил барқарорликни таъминлаган давлат сифатида эътироф этилиши тайин. Албатта, бундай ютуққа мамлакат ўз ички салоҳияти ва бой ўтмиш тажрибаси билан муяссар бўлди. Чехларнинг азму қарори, зафар қучишга иштиёқи, қолаверса, миллий ўзига хослиги мамлакатнинг хоккей бўйича терма командасининг ҳайратланарли ўйинларида ёки Англияда ўтган кейинги Европа чемпионатида финалга чиққан футболчиларнинг маҳоратида мужассам бўлганга ўхшайди. Ҳақиқатдан, Чехия тупроғи кўплаб буюк зотларга бешик бўлган. Улардан айримларини эслаб ўтиш ўринли.



(Давоми 3-бетда).

*• БУГУННИНГ ГАПИ*

## МАЪНАВИЯТ -- МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

***Қадим файласуфлардан бири «Инсон эрки бўғилган жойда маънавий қиёфа ҳам бўлмайди», деганида минг карра ҳақдир. Зеро, ҳар бир миллатнинг иззати, қадр-қиммати, нуфузи унинг юксак маънавияти билан белгиланади. Бугун кўҳна ва навқирон юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан асосий мақсад, энг аввало, халқимизга ўзлигини қайтариш, унинг «қизил империя» истибдоди йилларида топталган миллий ғурури ва қадр-қимматини жойига қўйишдан иборат. Тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ҳақида ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ана шундан далолат беради.***

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон тараққиёт ва ҳамкорлик сари юз буриб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалламоқда. Буни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ўтган ҳафта охирида якунланган Марказий Европадаги икки мустақил давлат -- Чехия ва Словакияга қилган расмий сафари мисолида яққол кўриш мумкин. Ташриф якунлари ҳақида ҳали кўп ёзилади. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бир фикрни баралла айтиш мумкинки, Чехия ва Словакияга ташриф халқларимиз манфаатини ўйлаб қилинган ҳайрли ва савоб иш, келажак сари ташланган янги қадамдир. Юртбошимизнинг ушбу мамлакатлар Президентлари Вацлав Гавел ҳамда Михал Ковач билан ўтказган мулоқотлари, чех ва словак ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувлари икки томонлама манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Расмий сафар давомида савдо-иқтисодий, спорт ва ҳаво йўллари, сайёҳлик саҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоландики, бу ҳар учала халқ манфаатларига, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан интеграциялашув жараёнига хизмат қилиши шубҳасиздир.

1997 йил мамлакатимизда инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Бунинг замирида чуқур маъно бор. Ҳозирги кунда барча соҳада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари янги йил иқтисодиётимизда, ижтимоий турмушимизда туб бурилиш даври бўлишидан далолат беради. Хусусан, истиқлол мафкурасини шакллантириш, маънавият ва маърифатни ривожлантириш, асрий қадриятларни тиклашга катта эътибор берилаётганлиги айни муддаодир. Яширишнинг ҳожати йўқ: собиқ шўро тузуми даврида халқимиз эрки-ҳуқуқини йўқотгани етмагандек, миллий ғурури, шарқона урф-одатларидан ҳам амалда маҳрум этилган эди. Айтайлик, қадимий байрамимиз -- Наврўзга бир вақтлар диний тус берилиб, уни нишонлашни таъқиқлаб қўйишганини бошқача изоҳлаш мумкинми? Минг қатла шукрки, истиқлол барча қадриятларимиз қатори Наврўзни ҳам халқимизга қайтарди, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини тиклади. Аслида бу ҳам жамиятни маънавий жиҳатдан юксалтиришга қаратилган муҳим тадбирлардан биридир.

Ўтган ҳафтада Вазирлар Маҳкамасида бўлган Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси қадриятларимиз ҳақида амалий ғамхўрликнинг жонли мисолидир. Мажлисда алоқадор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этиб, меҳнат ва баҳор байрамига тайёргарликнинг бориши, бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида фикрлашдилар. Зеро, халқимизнинг кўп асрлик тарихида Наврўзнинг ўрни, тарбиявий аҳамияти беқиёс. Наврўз, Шарқ ҳисоби бўйича, янги йилнинг бошланишидир. У ўз моҳият-эътибори билан элларни-элларга, дилларни-дилларга боғлайди, дала-деҳқончилик ишларига барака ва кушойиш бағишлайди.

Кузатган бўлсангиз, ҳаётимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар даврнинг жўшқин руҳи билан йўғрилган. Уларнинг ҳар бири янгиланаётган онг ва тафаккурдан, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий истиқбол сари юз бураётганидан далолат беради. Буни бошқача изоҳлашга асло ҳожат йўқ. Наврўз байрамидан сўнг мамлакатимизда яна бир қувончли тадбирни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу август ойида нишонланадиган қўшиқ байрамидир. Маълумки, мустақилликнинг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон -- Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови халқимиз маънавий ҳаётида чуқур из қолдирди. Танлов давомида профессионал ва бадиий ҳаваскорлар ўз маҳоратларини намойиш қилишди, кўплаб янги истеъдодлар кашф этилди. Санъатсевар халқимизнинг хоҳиш-иродаси эътиборга олиниб, юртбошимиз фармонига асосан ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон -- Ватаним маним» қўшиқ байрами куни, деб эълон қилинди.

Бу бежиз эмас, албатта. Қўшиқ -- қалб таржимони. Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослиги унинг қўшиқлари билан ҳам белгиланишини назарда тутсак, мамлакатимизда илк марта ўтказилаётган қўшиқ байрамининг аҳамияти ўз-ўзидан англашилади. 17 январь куни Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда ана шу хусусда гап борди. Ўзбекистон қўшиқ байрамини ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлисида манфаатдор вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари иштирок этди. Шу нарса алоҳида таъкидландики, тайёргарлик ишларини намунали ташкил этиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратини ошириш қўшиқ байрамини уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу, албатта, мамлакатимиздаги санъат даргоҳлари, ижодий жамоалардан катта масъулият талаб қилади. Токи қўшиқ байрами ҳамма жойда оммавий тус олсин, халқимизнинг юксак дидига мос, гўзал ва умрбоқий қўшиқлар яратилишига замин бўлиб хизмат қилсин.

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Кўп тармоқли «Наманганкабель» акционерлик жамияти хизматчилари нон ва нон маҳсулотлари, кандолатпазлик сингари 30 турдан зиёд номда маҳсулот тайёрлашаяпти. Жамиятнинг тикув корхонасида тайёрланаётган кийим-кечакларни аҳоли севиб харид қилаяпти. Акционерлар яқинда целофан пакетлар ишлаб чиқарадиган цехни ҳам ишга туширдилар.***



*СУРАТДА: чевар М. Абдуллаева.*

**Ш. ОЛИМОВ олган сурат.**

*Ислоҳот чорраҳаларида*

**Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз Президенти халқ таълими соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар давр талабига жавоб бермаслигини қаттиқ танқид қилган эди.**

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР, АЖДОДЛАР МЕРОСИ

## ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутмоғи лозим

Бу бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда 61 та болалар боғчаси аввало раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида турли баҳоналар билан ёпиб қўйилганди. 493 та умумтаълим мактабларининг ярмидан кўпроғи эса мослаштирилган биноларда жойлашган. Усти-га-устак мактабларда кимё, биология, тарих, чет тили фанлари бўйича ўқитувчилар етишмасди, ташкил этилган компьютерли синфларнинг ўттиз фоизи ишламайди.

Бу мисоллар ва рақамларни осмондан олганимиз йўқ. Уларнинг аксарияти сессияда бирма-бир санаб ўтилди.

Мана, орадан уч ойдан зиёд вақт ўтди. Хўш, бу муддатда маҳаллий ҳокимликлар, халқ таълими бошқарма ва бўлимлари томонидан қандай ўзгаришлар қилинди? Соҳада олиб борилаётган ислоҳотларда туб бурилишлар борми? Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Шариповдан мана шу ҳақда сўзлаб беришини сўрадик.

-- Уч ой катта муддат эмас. Лекин қўл қовуштириб ўтириш ҳам инсофдан эмас. Ноябрь ойи бошидаёқ сессияда қўйилган вазифалар юзасидан халқ таълими фаоллари йиғилишини ўтказиб, кенгашиб олинди. Халқ таълими вазирлиги мутахассислари кўмагида ҳар бир туманнинг бу соҳани ривожлантиришдаги аниқ имкониятлари, иқтисодий потенциали ўрганиб чиқилди. Шулар асосида 1997 йилда ва икки минг йилгача мўлжалланган истиқбол дастури ишлаб чиқилди. Дастурнинг асосий мақсадларидан бири мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш, вилоятнинг иқтисодий ривожига ҳисса қўшишга қаратилган.

Дастлабки иш мактабгача тарбия муассасаларидан бошланди. Чунки бугун вилоят мактабгача ёшдаги болаларни боғчага тортиш бўйича республикада ўнинчи ўринда турибди. Шуни ҳисобга олиб, хўжаликлардан халқ таълими тасарруфига ўтказилган ва турли сабабларга кўра ёпилиб қолган боғчаларнинг қарийб ярми қайта очилиб, ишга туширилди. Уларни таъмирлаш учун маблағ излаб топилди. Барча ёпилган боғчаларни ишга тушириш биринчи мартгача тўлиқ тугалланади. Соғлиги заиф бўлган болалар учун ҳар бир туманда санаторий типидаги махсус тарбия муассасаси ташкил этишга киришилди. Туманлар бўйича бештадан болалар боғчаларига компьютер техникаси ўрнатилмоқда, инглиз тилини ўрганиш гуруҳлари очилган. Яқин бир ой ичида боғча мудиралари ва услубиётчилари аттестациядан ўтказилади.

Янги йилдан бошлаб ўн битта туманда биттадан мактаб қурилиши бевосита ҳокимлар тасарруфига берилди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бу борадаги фаолият жадаллашди. Шу тариқа ва ҳашар йўли билан келгусида, аниқроғи, уч йил ичида 21 минг ўқувчига мўлжалланган 51 та умумтаълим мактаблари қуриб битказилади. Бу илгаригидек қоғозда қолиб кетадиган тадбир эмас. Эндиликда буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар ҳам шу дастур асосида шошилинч чораларни кўришяпти. «Ўзбекўқувавтоматика» ҳиссадорлик жамияти ва вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти жамоалари ўзаро ҳамкорлик шартномасига кўра бу муаммо ечимини хал этяптилар. Қўшимча яна бешта компьютер хонаси жиҳозланди. Ўқув муассасаларини компьютерлаштириш бўйича Жиззах вилоятлар ўртасида бешинчи ўринга чиқди.

Воҳамизда иқтидорли болалар кўп, лекин уларнинг барчасини мавжуд иккита гимназия, ўн битта лицейга жалб этиш имконияти йўқ. Шу боис келгусида қўшимча яна 20 та янги турдаги ўқув муассасалари очиш режага киритилди. Улар таркибида гимназия ва лицейлардан ташқари бешта чет тиллар чуқур ўрганиладиган мактаб, учта тил марказлари бўлади. Ҳунар лицейлари ва билим юртлари, бизнес мактабларида ўттиздан ортиқ аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Зарофобод тумани ҳокимининг қарори билан ҳар бир хўжалик раҳбари ўша ердаги мактабга биркитиб қўйилган. Бунинг замирида иқтисодий ҳамкорлик ётади. Шартномага кўра ҳар битта умумтаълим мактаби ихтиёрига 50 -- 100 гектардан ер берилди. Айни кунларда бу ерларда пахта етиштираётган ўндан зиёд мактабнинг банкдаги шахсий ҳисоб рақамларида синф хоналарини таъмирлаш, ўқув базасини мустаҳкамлашга етарли маблағлари бор.

Шунингдек, ўқув-тарбия жараёнига янги технологияларни жорий этиш ва шу йўл билан ўқувчилар билим даражасини ошириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ўтган йил тажрибасидаёқ ўзини оқлади.

Таълим муассасаларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш 93 фоизга етди. Бу муаммони ҳал қилиш учун Жиззах педагогика институтида шу йилдан бошлаб йилига 200 нафар ўқитувчи иккинчи мутахассисликка ўқитилади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, кейинги бир неча йил давомида вилоят иқтисодиётида кескин орқага кетиш рўй берди. Бу, албатта, халқ таълими соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Эндиликда амалга оширилаётган ҳар битта тадбир тезроқ шу вазиятдан чиқиб кетишга, ёш авлодни миллий қадриятлар, аждодларимизнинг бой тарихий мероси негизида тарбиялашга қаратилган.

**«Халқ сўзи» мухбири Ҳайитбой НАБИРАЕВ суҳбатлашди.**

*«Ўзбекистоннинг янги тарихи»*

# ЯНГИЧА НАЗАР ЗАРУР

***Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз тарихини ҳаққоний ва холисона ёритиш имкони туғилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларга республика раҳбариятининг алоҳида эътибори намунасидир. Шу муносабат билан «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш бўйича муаллифлар гуруҳининг аъзоси, республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази бош илмий ходими, сиёсий фанлар доктори, профессор Ибодулла Эргашевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик:***

*-- Ибодулла ака, қабул қилинган қарорнинг аҳамияти ҳамда тарихимизга янгича назар зарурлиги хусусида тўхталсангиз.*

***-- Ўзбекистоннинг кўҳна ва бой тарихи доимо жаҳон фанининг диққат марказида турган. Инглиз, француз, немис, испан ва бошқа чет мамлакатлар олимлари инсоният цивилизациясининг марказларидан бири бўлган Турон -- Туркистон ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратишган. Бироқ биз ана шу тадқиқотлар хусусида, тарихимизга бўлган улкан қизиқиш ҳақида етарли маълумотга эга эмасдик. Шўро тузуми даврида барча соҳалар қатори тарих ҳам маълум маънода қатағон қилинган эди. Бизнинг буюк бобокалонларимиз, машҳур алломаларимиз ва донгдор саркардаларимиз ҳақида баралла гапириш у ёқда турсин, ҳатто маълум тарихий ҳақиқатларни қайд этишга ҳам ҳуқуқимиз йўқ эди. Чунки ўтмишимиз буюклигини кўрсатиш коммунистик империянинг манфаатларига мутлақо зид ҳисобланарди. Натижада, ёш авлод ҳам, катта авлод ҳам тарих ҳақида чалкаш тасаввур билан яшади. Биз ўтишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона, танқидий таҳлил этиш тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин -- «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. Албатта, ҳар бир воқеани аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадамни назарда тутиб шундай қилишимиз керак.***

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи» марказини ташкил этиш тўғрисидаги фармойишида кўзда тутилган асосий мақсад мафкуравий маҳдудлик, тарихий сохталаштиришдан халос бўлган ва мутелик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавият ғоялари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятлар ва ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган мустақиллик даврининг янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва ўрганишни амалга оширишдир. Чиндан ҳам бу тадбир Ўзбекистон раҳбариятининг халқимиз тарихи, маънавий дунёси ва қадриятларига нисбатан кўрсатаётган доимий ғамхўрлигига яна бир далилдир.***

*-- Маълумки, «Ўзбекистоннинг янги тарихи» уч китобдан иборат бўлади. Ҳар бир китобда қайси давр воқеалари ёритилади?*

***-- Биринчи китобда мамлакатимизда чоризм истилосининг оқибатлари, мустамлакачиларнинг ўлкадаги миллий давлатчиликни тугатиш, асрий маданий-маънавий қадриятлар ва миллий урф-одатларни, инсоний ҳуқуқларни поймол этишга қаратилган сиёсати рўйрост очиб берилади. Иккинчи китобда большевизмнинг Туркистонда ўрнатган сохта давлатчилиги, ўлка халқлари миллий ўзлиги ва онгини заҳарлашга қаратилган сиёсати ҳамда амалга оширган қатағонларининг фожеавий натижалари ёритилади. Учинчи китобда қўлга киритилган миллий истиқлол, мустақил Ўзбекистон ҳаётида содир бўлган ва бўлаётган буюк ўзгаришлар ҳамда уларнинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти акс эттирилади. Ўтган ана шу даврдаги давлат мустақиллигининг мураккаб йўли, адолатли демократик фуқаролик жамияти қурилиши ҳуқуқий асосларининг вужудга келиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш жараёни ва Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаб бораётган ўрни, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши, истиқлол йўли стратегиясининг ишлаб чиқилиши, маънавий руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши мазкур китоб мундарижасини ташкил этади.***

*-- «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлашда кимлар иштирок этмоқда?*

***-- Янги тарихни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги илмий муассасаларнинг етакчи олимлари қатнашмоқда. Яқин тарихимизга оид бу китоблар ҳар томонлама мукаммал бўлиши учун марказ қошида етакчи олимларимиздан иборат ижтимоий-илмий кенгаш тузилган.***

***Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китоблари ўзининг бутун мазмуни билан халқимизни, биринчи навбатда ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган. Бу шарафли вазифани кенг жамоатчиликка таяниб амалга ошириш мумкин.***

**ЎзА мухбири Беҳзод УСМОН суҳбатлашди.**

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

## БЕШ ЙИЛ ДАВОМИДА

***Россия билан Ҳиндистон ўртасида ҳарбий ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди.***

Унга кўра, февраль ойидан бошлаб Ҳиндистон Россиянинг СУ-30 русумли қирувчи самолётларини сотиб ола бошлайди.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, шартнома қиймати 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида бўлиб, Россия Ҳиндистонга 5 йил давомида 30 та ана шундай самолёт етказиб беради.

## ИККИ КУНЛИК ТАШРИФ

***Латвия ташқи ишлари вазири Владис Биркавс икки кунлик расмий ташриф билан Боннга келди.***

У ташриф давомида Германия Федерал вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳамда Бундестаг депутатлари билан музокаралар ўтказади. Учрашувлар чоғида Латвия билан Германия ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, шунингдек, Европа Иттифоқининг кенгайиши ва Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

## МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ТАШВИШИДА

***Литва парламенти (сейм) раиси Витаутас Ландсбергис уч кунлик расмий ташриф билан Эстонияга келди.***

Сафардан мақсад—Болтиқбўйи давлатларининг Европа Иттифоқи ва НАТО билан ҳамкорлиги ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан Литва ва Эстония парламентларининг тутган йўлини аниқлаб олишдир.

В. Ландсбергис мамлакат президенти Леннарт Мэри, парламент раиси Тоомас Саави ва Болтиқбўйи давлатлари ассамблеяси раиси Арнолд Рюйтел билан ҳам учрашади.

## САМОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

***Исроилнинг Ф-15 русумли жанговар самолёти ҳаво машқлари пайтида қулаб тушди.***

Исроил Қуролли кучлари раҳбариятининг маълум қилишича, бу воқеа 19 январь куни кечаси мамлакат жанубида рўй берган. Самолётни бошқариш имконияти бўлмагани учун иккала учувчи ҳам уни тарк этишга мажбур бўлган. Айни вақтда ҳалокат сабаби ўрганилмоқда.



*СУРАТДА: Братислава шаҳридан лавҳа.*

## КИМ ҚАНЧА САРФЛАЯПТИ

***НЬЮ-ЙОРК. Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоб-китобига кўра, кейинги беш йил ичида дунё бўйича қуролланиш ва армия учун сарфланаётган маблағ 120,7 миллиард АҚШ долларига қисқарган.***

Бу 130 давлатга тегишли бўлиб, собиқ Иттифоқдан чиққан давлатлар ҳам шулар жумласидандир. Лотин Америкаси давлатлари ҳам армия учун энг кам маблағ сарфлайдиган мамлакатлар сирасига киради.

Осиё давлатларида эса аксинча, Хитойни ҳисобга олмаганда, армия учун сарфланаётган маблағ миқдори 1992 йилдан 1995 йилгача 15 миллиард АҚШ долларига ошди.

## НАШРЛАР АРМИЯГА ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Бугунги кунда Хитой армиясида «Ватанпарварлик» ғояларини тарғиб қилиш учун 36 турда махсус газета ва 321 турда журнал чоп этилмоқда.***

Яна 27 та нашриёт ҳарбийлар учун китоблар чиқариш билан шуғулланади. Нашр этилаётган газета ва журналлар жами 3 миллион нусхада чиқарилади.

Армиянинг ахборот-ташвиқот хизмати Хитой ҳарбийларини чет эл ҳарбий техникаси, стратегия ва тактикаси билан узлуксиз таништириб боради.

## ҲОЗИРЧА ХАРИДОР ТОПОЛМАЯПТИ

***ПАРИЖ. XX асрнинг машҳур рассоми Пабло Пикассонинг Франция Жануби-Ғарбидаги Мужена вилоятида жойлашган вилласи ўз харидорини тополмай турибди.***

Вилла табиатан жуда баҳаво ерда жойлашган бўлиб, ёнгинасидан Мужена дарёси оқади, уч қаватли бу кошонанинг 35 та хонаси ҳамда 2 гектардан кўпроқ боғи бор.

Виллани сотувчилар унча кўп сўрашаётгани йўқ: 26 миллион франк, яъни 5,2 миллион доллар сўрашаяпти холос. Вилладан айрилишни хоҳлаб қолган мусаввирнинг қизи Катрин Ютен-Билэнинг айтишича, кейинги 10 йил ичида вилладаги ҳеч нарсага қўл текказилмаган. Рассомнинг ноёб асарлари билан бой бўлган бу кошонани Мужена мэри Роже Дюалднинг фикрича, давлат сотиб олиши керак, вилла маданий ёдгорлик сифатида халққа хизмат қилиши лозим. Бунинг учун давлат рассомнинг биронта асарини сотса кифоя, шу сотилган асарнинг пули виллани бемалол сотиб олишга етади.





*Самарқанд туманидаги «Оҳангар» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Россиядаги Владимир трактор заводи, екатеренбурглик, рубцовалик ва барнауллик машинасозлар билан қилинаётган ҳамкорлик натижасида ўз ишларини бир маромда ташкил этишга муваффақ бўлмоқдалар. Ҳозир бу ерда турли маркадаги тракторлар ва механизмлар учун 80 хилдаги эҳтиёт кисмлар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаяпти.*

*Ўтган йилда ҳиссадорлик жамияти жамоаси хўжаликларга 45 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатди ва 50 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажарди.*

*Жамият қўшимча даромад манбаи-иссиқхонага ҳам эга. Ҳозир бу ерда лимонлар ғарқ пишган. Улар ишчи-хизматчиларга арзон нархларда сотилмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: иссиқхона ходими Мавлон Самадов; таъмирловчи Амриддин Тожиев корхона базасида.*

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**



*Янгилик*

## КИЧИК ТЕГИРМОН

Республика Фанлар Академиясининг Электроника институти олимлари лойиҳаси асосида яратилган кичик тегирмонлар институт тажриба заводида синовдан ўтказилди. «УТК-3А-02» русумли бундай тегирмонлар қишлоқ аҳолисига ниҳоятда қўл келади. Чунки ундан ҳар бир хонадон соҳиби фойдаланиши мумкин.

Кичик тегирмоннинг қулайлиги шундаки, уни ишлатиш учун кишидан махсус тайёргарлик ва билим талаб этилмайди. Хонадон соҳиби уни ўзи ишлатиши, зарурат туғилганда эса таъмирлаши ҳам мумкин. Жойлаштириш ҳам қулай, бор йўғи 3,5-4 $м^2$ майдонни эгаллайди. Энг асосийси-- уни ширин. Буғдой бошқа тегирмонларга нисбатан бунда ўз таркибидаги табиий бирикмаларини бир неча баробар юқори даражада сақлаб қолади. Чунки ун қизимайди-да!

Электр энергияси сарфи эса тежамли, нархи арзон бўлган бундай кичик тегирмонлар асосан фермерлар, чекка қишлоқлардаги аҳолига мўлжалланган.

Шунингдек, институт олимлари ва муҳандислари кичик шакар заводи лойиҳасини ҳам ишлаб чиқишди.

**И. ШЕРМУҲАММЕДОВ.**


**Тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар!**

**"ТАШАББУС" ТАНЛОВИ**

**фаолиятингизни намоён этишда қулай имкониятдир!**

Ташкилотчилар: Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб-чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Бизнес-фонд", "Мадад" суғурта агентлиги, "Пахтабанк", "Ўзтадбиркорбанк", Товар ишлаб-чиқарувчилар ва тадбиркорларни қуллаб-қуватлаш фонди, Осиё-Европа - Траст компанияси, "Ўзинвестлойиҳа" инжиниринг компанияси.

Танловда: ўз фаолиятларида юқори кўрсатгичга эришган кичик ва ўрта корхона эгалари ва раҳбарлари, фермерлар, хусусий тадбиркорлар, ҳунармандлар иштирок этишлари мумкин.

**Танловни ўтказиш муддатлари: 1997 йил**

**Туман (шаҳар)ларда** — 1 февралгача
**Вилоятларда** — 25 февралдан 5 мартгача
**Республика босқичида** — 15-20 мартда бўлади

Республика, вилоят танловларида фахрли ўринни эгаллаганлар 3-12 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар, қимматбаҳо мукофотлар оладилар. Уларнинг фаолиятлари ва товарлари мамлакатимиз ва хорижда тақдимот (презентация) қилинади.

Танловга иштирок этиш учун аризалар Товар-ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа ташкилотчилар жойлардаги идораларида қабул қилинмоқда.

**"Ташаббус" танлови ташкилий қўмитаси.**

# ЎТМИШГА ТАЯНИБ, ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК САРИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

«Энг тўкис бахт -- яхши тарбиядир», дея инсон фарзандини комилликка ундовчи ғоялар билан чиққан Ян Амос Коминскийни ҳозир ҳам барча муаллимлар «ўз ўқитувчимиз», деб билади. Унинг қарашларида мукаммал тарбия тизими -- мактаб, синф, дарс жадвали, режими биринчи марта қўлланган эди. Энди бу қадриятлар инсониятнинг маънавий хазинасига айланиб қолгани сир эмас.

Прагада, умуман Чехияда, машҳур ёзувчи ва гуманист Франс Кафканинг хотирасини авайлаб сақлар ва унга чуқур ҳурмат билдирар эканлар. Биз Кафканинг қаҳрамонлари сайр этган Карлово-мостда бўлганимизда, ёзувчининг ғойибона нигоҳини сезгандек бўлдик. XX асрнинг йирик сиёсий арбобларидан бири Т. Масарик ватанпарварларга йўлбошчилик қилди. Чехия суверенитетини қўлга киритгач, 1918 йилда Масарик унинг биринчи Президенти бўлди. Эътироф этиладиган томони шундаки, бундай таниқли шахсларнинг издошларидан бири ҳозирги пайтда Чехия давлатини бошқармоқда. У Президент Вацлав Гавелдир. У 1968 йил рўй берган, тарихда «Прага баҳори» номи билан машҳур коммунистик режимга қарши халқ ҳаракатининг етакчиларидан бўлди. Қарийб тўрт ой давом этган бу озодлик тўлқини ҳарбий кучларнинг аралашуви билан бостирилгани, унинг етакчилари қувғин қилингани маълум. Қамоқлар, қувғинлар, тазйиқлар Гавел иродасини бука олмади. Уни меҳнаткаш чех ва словак халқлари қўллаб-қувватладилар. Ҳали шўролар тузуми тасарруфидаги мамлакатда «қайта қуриш» деган алаҳсираш давом этаётган, бироқ тоталитар машина бор кучи билан ишлаётган бир шароитда -- 1989 йилда машҳур ёзувчи ва драматург очиқ овоз олиш йўли билан Чехословакия Республикасининг Президенти этиб сайланди. Кейинчалик словак халқининг ўз мустақил яшаш истагини ҳам қўллаб-қувватлади ва мамлакатлар тинч йўл билан иккига ажралдилар.

Давлат ва жамоат арбоби Вацлав Гавел Прагадаги Президент қароргоҳи -- «Прага-Ради»да юртбошимиз Ислом Каримов билан учрашар экан, мустақил Ўзбекистондаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораётганини билдирди. Ўз юртига таклифини қабул қилиб ташриф буюргани учун миннатдорчилик изҳор қилди ва олий даражадаги бу музокаралар иккала давлат ҳаётида янги саҳифа очишига ишонишини таъкидлади.

Чехияда ислоҳотларнинг боришида яхши натижаларга эришилмоқда. Мамлакатнинг ўзига хос инфраструктураси ва минталитетидан келиб чиқиб, кўрилаётган чоралар мамлакат хазинасига катта даромад келтирмоқда. Бугунги кунда Чехияни ҳар хил кўргазмалар энг кўп ўтказиладиган мамлакат сифатида эътироф этишмоқда. Мамлакатнинг йирик шаҳарларидан Брно кўргазмалар марказига айланган, ўтган йили 400 дан зиёд шундай халқаро тадбир ўтказилган. Бундай ёндашув, аввало, чет эл сармояларини фаол жалб қилишни таъминласа, иккинчидан, мамлакат эришган ютуқларни намойиш этишда ҳам аҳамияти беқиёс. Шунданми, Чехияга чет эл сармояларининг миқдори тез суръатлар билан ошиб бормоқда. Агар бу кўрсаткич 1993 йилда 568 миллион доллар, 1994 йилда 862 миллион доллар бўлган эса 1995 йилга келиб 2 миллиард 559 миллион долларга етди. Чехияда норасмий тартибда «Ҳар бир чех -- ҳиссадор» деган шиор амал қилади. Давлат тасарруфидаги корхоналар жадаллик билан янги мулк шаклларига айлантирилди. Бунда акцияларнинг Берлин ва Мюнхен биржаларида ҳам сотилиши таъминланди. Қолаверса, Чехияда биржалар бўйича асрий тажриба мавжуд. Биринчи биржа 1871 йил 23 мартда фаолият кўрсатган, фақат кейинги 50 йилда унинг иши тўхтаб қолган эди. Ниҳоят, илғор усулларнинг қайта тикланиши иқтисодиётнинг ўнгланишида юксак омил бўлмоқда.

Сайёҳлик Чехияда энг яхши даромад келтирадиган тармоқлардан бири ҳисобланади. Пойтахт Прагада 1 миллион 200 минг одам яшагани ҳолда ҳар йили юз миллиондан зиёд сайёҳ келиб-кетар экан. Шаҳарда меҳмонлар учун энг юксак даражада хизмат кўрсатиш ташкил этилганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳар бир муюлишда меҳмонхона ёки ресторанга дуч келиш мумкин. Уларнинг ҳажми катта эмас. Масалан, биз ташриф буюрган «Хофмаэстр» меҳмонхонаси бор-йўғи 38 ўринли бўлиб, хизмат кўрсатиш маданияти жиҳатидан ҳар қанақа бошқа шундай муассаса билан беллаша олади. Умуман, Чехияда ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилган. Маълумки, истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ иқтисодий юксалишнинг самарали йўли сифатида бизда ҳам ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий аҳамият берилган эди. Бундай муносабатнинг тўғрилигини Чехия тажрибаси ҳам исботлаб турибди.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи давомида истиқбол тараққиётига асос солувчи кўплаб аҳдномаларга эришилди. Сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш ҳақидаги битим, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Чехия Саноат ва савдо вазирлиги ўртасида, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Чехия «Коммерчни банк»и ўртасида имзоланган ўзаро меморандумлар юртимизнинг Марказий Европадаги мамлакат билан алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ташриф давомида яна кўплаб битимлар ва протоколларга қўл қўйилди. Уларда сайёҳликни ривожлантириш, Чехиянинг йирик ҳиссадорлик жамиятлари билан юртимиз корхоналари ўртасидаги алоқаларни барқарор ва мустаҳкам йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик «ЧКД Прага холдинг», «Шкода», «Автош» каби компаниялар маҳсулотлари бизда кенг қўлланилаётгани билан бошланган эди. Энди бу муносабатларда янги уфқлар очилди. «ЧКД-электротехника» Ўзбекистонга электр узатиш қурилмалари. «ЧКД-хоцен» совутиш компрессорлари, «ЧКД-компрессор» Фарғонадаги нефткимё комбинати учун зарур эҳтиёт қисмлар, «ЧКД транспорт тизимлари» Тошкентга яна кўплаб трамвай вагонлари етказиб беришга қодир.

Кайзерштайн саройида бўлиб ўтган ишбилармонлар билан учрашувда юртбошимиз Чехияда тайёрланган маҳсулотлар бизда юқори даражада қадрланишини, улар харидоргир эканини таъкидлаб, «Ўзбекистонда чехларни ҳурмат қилишади, сиз тортинмай бизнинг юртимизга марҳамат қилинг», деди. Бу самимий таклифлар мамнуният билан қабул қилинди. Шунда йиғилиш залидаги ўзгача жонланиш кишини қувонтирарди. Бу ҳозиргача тасаввурлари унчалик ёрқин бўлмаган одамларнинг юртимизга қизиқиши, меҳнаткаш ва истеъдодли халқимиз билан янги режаларни бақамти амалга оширишга тайёрлиги аломатидир. Шубҳасиз, бу ташрифнинг амалий натижалари тез кунда кўзга ташланиб қолади. Зеро, юртимиздаги бунёдкорлик ва яратувчилик кайфияти яхши ниятли ҳамкорларга ўз имкониятларини ишга солишда қўл келади.

**Ҳаким САТТОРИЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Муборак газни қайта ишлаш заводида яна бир улкан қурилма -- 15-блок қуриб фойдаланишга топширилди. Бу ерда йилига 2 миллиард куб метр газ қайта ишланади. Янги блокнинг ишга туширилиши билан завод қуввати яна ошди. Энди бу ерда йилига 30 миллиард куб метр газ қайта ишланади. Завод ўз қуввати жиҳатдан турдош корхоналар ичида дунёда энг йирикларидан бирига айланди.*





*Айни пайтда заводда янги қурилмалар бунёд этиш ишлари давом эттириляпти.*

*СУРАТЛАРДА: завод бош муҳандиси (ўртада) Барака Рустамов янги технологик қурилма операторлари Сирожиддин Раҳмонов, Муродилла Тошмуродов ва Баҳодир Абраҳматовлар билан; блокнинг умумий кўриниши; касаба уюшмаси қўмитаси раиси Меҳмонқул Нурмуродов.*

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

### ФАРҒОНАДАН АНДОЗА ОЛИШДИ

***Фарғона водийсининг дарахтлар соя ташлаб турган сўлим йўлларини ким билмайди, дейсиз.***

Сирдарёликлар ҳам мусобақадош вилоят йўлларининг қиёфасидан андоза олишга аҳд қилдилар. Катта ўзбек йўлининг 40 чақирими бутунлай қайта таъмирлана бошланди. Йўлнинг ҳар икки четини юз минг туп кўк терак, шўрга чидамли жийда, қайрағоч ва мажнунтол ниҳоллари эгаллайди. Бугунгача ана шу ниҳолларнинг 30 минг тупи ўтқазиб бўлинди.

Фақат вилоят электр тармоқлари бошқармасининг ўзи 15 чақирим масофада ободончилик ишларини амалга оширади.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «КОБУЛ -- ТЎЙТЕПА -- ТЕКСТИЛ» МЎЪЖИЗАСИ

***«Made in Uzbekiston» ёрлиғи муҳрланган маҳсулотлар бу ердан хориж бозорига йўл олмоқда***

Ўзбекистон иқтисодиёти келажагини сифатли маҳсулотлар белгилаши табиий. Шу боис бу борада кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Янги йил арафасида Тошкент вилоятида «Кобул -- Тўйтепа -- Текстил» қўшма корхонаси ишга туширилди. Унинг маҳсулоти, асосан, хорижга чиқарилади.

-- Қисқа муддатда 300 тоннадан зиёд ип калаваси чет эллик харидорларга етказиб берилди, -- дейди қўшма корхона бошқаруви раиси ўринбосари Ҳошим Шералиев. -- Январь охиригача бу кўрсаттич 650 тоннага етади.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Биз ва жаҳон*

## ЎЗБЕКИСТОН -- ГЕРМАНИЯ:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

***Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси ташаббуси билан Ўзбекистоннинг йирик ассоциациялари, ташкилотлари ва корхоналари қаторида Германиянинг йирик савдо компанияларидан бири -- «Кулленкампфф ва Конитцки ГмбХ» (Кулкони Групп ГмбХ) билан алоқа йўлга қўйилди.***

«Кулленкампфф ва Конитцки ГмбХ» компаниясига 1884 йилда асос солинган. Орадан ўтган бир асрдан зиёд тараққиёт давомида компаниянинг импорт ва экспорт соҳасидаги фаолиятида турли йўналишлар вужудга келдики, уларнинг бугунги йиллик обороти 200 миллион немис маркасидан ошиб кетди. Компания жаҳондаги 50 та мамлакатда фаол иш олиб бориб, кенг кўламда савдо ва бошқа хизматларини таклиф этиб, катта обрў-эътиборга эга бўлди.

Компаниянинг биргаликдаги эгаси ва бошқарувчиси жаноб Г. Ягау бошлиқ делегацияси 1996 йил декабрь ойининг охирида Тошкентда бўлди. Ушбу ташрифдан мақсад «Уголь» акционерлик жамияти билан Ангрен конида каолинни бойитиш лойиҳаси бўйича қўшма корхона барпо этиш, шунингдек, қўшма «Герман-ўзбек савдо компанияси» лойиҳаси каби қўшма лойиҳаларни муҳокама этиш эди.

Немис бизнесменлари Ўзбекистонда бўлган чоғларида Ангрен шаҳрида барпо этилаётган «Каолин» қўшма корхонасининг таъсис ҳужжатлари имзоланди. Бойитилган каолин ишлаб чиқариб сотишга ихтисослашадиган бу корхонанинг устав капитали 19,28 млн. немис маркаси миқдорида бўлади. Лойиҳага мувофиқ йилига 200 минг тонна бойитилган каолин ишлаб чиқарувчи технологик ускуналар республикага келтирилади ва ўрнатилиб, фойдаланишга топширилади. Бу зарур маҳсулот бутун дунёда чинни, фаянс санитария-техник буюмлар, керамик плиталар, электр изоляторлар, оловбардош ашёлар, юқори сифатли қоғозлар, резина ва ойнатола ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Шунингдек, лойиҳада кредит хизмати кўрсатишнинг биз учун янгича шакли назарда тутилган -- қарз маблағлари каолин билан яъни қўшма корхонанинг ўз маҳсулоти билан узилади. Жаҳон бозорида катта иш тажрибасига эга бўлган немис шериклар тайёр маҳсулотни ташқи бозорда сотиш бўйича маркетинг масаласининг бутун мажмуини ўз зиммаларига оладилар.

Яна бир қизиқарли лойиҳа немисларнинг Бремен шаҳрида «Герман-ўзбек савдо компанияси»ни барпо этишдир. Бунинг ташаббускори Чет эл инвестициялари агентлигидир. Қўшма савдо компаниясини очиш учун танланган Бремен шаҳри Германиянинг энг кекса савдо марказларидан бири бўлиб, бу ерда 3 мингдан зиёд турли компаниялар фаолият кўрсатади. Уларнинг кўпи Ўзбекистон билан нафақат савдо, балки шериклик муносабатларини ўрнатишга қизиқиш билдирмоқда. Бремен шаҳрида савдо операцияларини амалга ошириш учун барча зарур инфраструктуралар мавжуддир. Бундан ташқари пахта биржаси ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, унда бизнинг пахтамиз муҳим ўрин тутади.

Озод Ганзей шаҳри сенати ва Бремен федерал ери раҳбарияти герман-ўзбек савдо компаниясини барпо этиш ташаббусини тўла қўллаб-қувватлади. Чунончи, у қўшма корхонанинг Бутунжаҳон маркази базасида олинадиган офис биносининг 1997 йил охиригача ижара сарф-харажатларини қоплашга тайёр эканлигини маълум қилди. Бу ерда шунингдек, қўшма корхонанинг таъсисчиси ва шериги бўлмиш Ўзбекистон корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг намуналари ҳамда бошқа ахборотлар намойишга қўйилади. Шу мақсадларда доимий ҳаракатдаги «Ўзбекистон витринаси» махсус экспозициясини барпо этиш мўлжалланмоқда.

Қўшма савдо компаниясини барпо этишдан мақсад Ўзбекистон корхоналарининг жаҳон бозорига чиқиши ва экспорт салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари ва республикада чет эл инвесторлари учун яратилган шарт-шароитлар билан герман фирмаларини таништириш, инвестиция лойиҳаларини Ўзбекистонда амалга ошириш учун бевосита немис ва умуман, Европа бозорида шериклар излашни уюштиришдан иборатдир.

Шуни ҳисобга олган Ўзбекистон Чет эл инвестициялари агентлиги бир қатор ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар номидан «Кулленкампфф ва Конитцки ГмбХ» билан герман-ўзбек савдо компаниясининг таъсис ҳужжатларини имзолади. Чет эл инвестициялари агентлиги, «Ўзмашсаноат» ассоциацияси, «Оникс» акционерлик жамияти, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узтехпром» ассоциацияси, «Уголь» акционерлик жамияти ва «Химпром» ассоциацияси Ўзбекистон томонидан ҳам муассис бўлдилар.

Қўшма корхонанинг 1997 йил январдан фаолият кўрсата бошлаши назарда тутилган бўлса-да, ушбу лойиҳа доирасида 1996 йилнинг 15--16 октябридаёқ Бремен шаҳридаги Бутунжаҳон савдо марказида ўзбек ва немис ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-семинар ўтказилди ва у Франкфурт Майнда «Ўзбекистонда бизнес қилинг» мавзусида илгари ўтказилган конференциянинг мантиқий давоми бўлди. Бремен бизнес-семинари .ишида Ўзбекистон томонидан республиканинг йирик саноат ассоциациялари ва корхоналарининг 15 нафар раҳбари иштирок этди. Немис инвесторларига тақдим этиш учун икки тилда 17 та лойиҳа тайёрланди.

Семинарнинг илк натижалари қаторида юқорида келтирилган лойиҳалардан ташқари «Мартин Грунау» немис компанияси ва «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида кўтарма ускуналар тайёрловчи қўшма корхона барпо этиш юзасидан йўлга қўйилган ҳамкорликни қайд этиш мумкин. Немис бизнесменлари яқинда Тошкентда бўлган чоғларида «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг юксак салоҳиятига ишонч ҳосил қилдилар ва ўз мақсадлари тўғрисида тегишли қарорларни имзоладилар. Бременда муҳокама этилган бошқа лойиҳалар юзасидан ҳам иш олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бремен сенати ва ишбилармон доиралари нафақат савдо-иқтисодий, балки бизнинг республикамиз билан маданий алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан юқори даражада манфаатдордирлар. Чунончи, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси кўмагида бизнес-семинар ўтказиш доирасида рассомлар асарларининг кўргазмаси ва мамлакатимизнинг таниқли артистларининг чиқишлари ҳам зўр муваффақият билан уюштирилди.

**Чет эл инвестициялари агентлиги.**

*Мухбир бонг уради*

## БОШЛАНДИ-Ю, ТАШЛАНДИ

Манғит шаҳрида пиллани қайта ишлаш ва қурт уруғи тайёрлаш билан шуғулланадиган завод қурилиши бошланганида Оролбўйи пиллакорларининг қувончи ичига сиғмаган эди.

Ахир ўзингда бўлганига не етсин! Хом ашё шу ерда қайта ишланиб, пилла толага айланса, уруғлик излаб овора бўлиб юрилмаса, бунинг устига 700 нафар киши иш билан таъминланса, нур устига аъло нур эмасми? Аммо бу орзулигича қолди. Завод бунёд этила бошлаган 1991 йилдан буён қурилишда бурилиш бўлмаётир.

Манғит меҳнаткашлари мамлакат «Пилла» уюшмаси раҳбариятидан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидан завод қурилиши нега ўз ҳолига ташлаб қўйилди, деган саволга ҳамон жавоб кутмоқда.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Андижондан ёзадилар*

### ТИББИЙ ПУНКТ

***Андижон вилоятининг Маннон Жалолов номидаги кооператив бирлашмасининг Янгиобод қишлоғида тиббий пункт фойдаланишга топширилди. Уни 66-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари қуришди. Ўтган йили эса қўшни «Пахтакор» қишлоғида ҳам тиббий пункт қуриб битказилган эди. Янгиободдаги тиббий пункт замонавий ташхис ва муолажа асбоблари билан жиҳозланган. Қишлоқ аҳли бу ерда малакали тиббий ёрдам олиши мумкин. Энди даволаниш ва тиббий маслаҳат олиш учун туман марказига қатнашга эҳтиёж қолмади.***

### ТЎЛА ГАЗЛАШДИ

***Олтинкўл туманидаги «Сувюлдуз» қишлоғига «зангори олов»нинг кириб келиши барчани, айниқса, уй бекаларини қувонтириб юборди. Аёлларнинг кўп вақтини оладиган, уй-рўзғор юмушлари энди табиий газ зиммасига юклатилди.***

***-- Бундан кейин, -- дея ҳикоя қилади «Сувюлдуз» қишлоқ фуқаролар кенгашининг раиси Эркинжон ака Эргашев, -- ҳовлининг бир бурчагини ҳатто кўчаларнинг четларини эгаллаб ётган ғўзапоя ғарамларига ҳожат қолмайди. Табиий газ фуқаролар жонига оро кирибгина қолмай, балки қишлоқларимиз ободонлиги, эл-юрт маъмурлиги учун ҳам хизмат қилади.***

***22 километр масофага газ қувурлари тортилиб, хонадонларга «зангори олов» кириб келганлигини энг аввало «Туркистон» жамоа хўжалиги деҳқонларининг ўтган йили қўлга киритган катта меҳнат ютуқлари самараси деб баҳоламоқ зарур. «Андижон технологияси»ни қўллаб пахтадан мўл ҳосил олган ва шунга яраша даромад қилган туркистонликлар пулнинг бир қисмини газлаштириш учун ажратдилар. «Мадад» ҳиссадорлик жамияти, «Музаффар» кичик корхонаси, туман газлаштириш идораси сингари ташкилотлар эсв уларнинг саъйҳаракатларини қўллаб-қувватладилар.***

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ҚЎШНИЛАРГА ҲАМ ЕТАДИ

***Боғот дон маҳсулотлари комбинати замирида ун цехи ишга туширилиб, Швецариянинг «Бюлер» фирмаси лицензияси асосида энг янги ускуналар ўрнатилганига кўп вақт бўлгани йўқ.***

Шунга қарамай, бу ерда ҳозирдаёқ ҳар кеча-кундузда 75-80 тонна юқори навли ун чиқарила бошланди. Қирқ нафар киши доимий иш билан таъминланди. Маҳсулот Боғотдан ташқари Хазорасп ва Дружба туманлари аҳолисига ҳам етказиб берилмоқда.

**Р. ҲАСАН,**
**ЎзА мухбири.**

***Уйчи туманидаги очиқ турдаги тиш даволаш ва қўйиш ҳиссадорлик жамияти шифокорлари кунига 150 мижозга хизмат кўрсатаяпти. Бу ерда олти бўлим мунтазам ишлаб турибди.***

*СУРАТДА: ҳамшира Х. Тиллабоева.*

**Т. МАҲКАМОВ олган сурат.**



## «ИНТЕРНЕТ» -- ЭЛЕКТРОН ПОЧТА

***Бухоро вилоят ихтирочилар ва рационализаторлар кенгаши ҳузурида «Интернет» ахборот хизмати кўрсатувчи бўлинмаси ташкил этилди.***

«Интернет» -- электрон почта бўлиб, халқаро компьютер тармоғига улангандир. Бунда тадбиркорлар ёки истовчи кишилар бўлинмадан хоҳлаган ахборотларини олишлари мумкин. Оддийроқ тушунтирадиган бўлсак, сиз Бухородан чиқмай туриб Америка фонд биржасидаги аҳвол билан танишиш ёки бошқа мамлакатлардаги нарх-навони аниқлаш имкониятига эга бўла оласиз. Қисқаси «Интернет» барча ахборотлар йиғилган ўзига хос банкдир, десак янглишмаймиз.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қарор ва ижро

# 2. ФУТБОЛИМИЗ ЮРТИМИЗ НУФУЗИГА МОС БЎЛСИН

### МАҲАЛЛИЙ ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ҳаётга қандай татбиқ этилаётгани ҳақида гап борар экан, аввало, жойларда унинг ижроси билан шуғулланадиган ва бунинг учун жавоб берадиган махсус кишиларнинг бўлиши тақозо этилади. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда барча вилоят марказларида хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадиган маҳаллий футбол федерациялари ташкил этилиши лозим эди. Йил якунидаги текширишлар шуни кўрсатдики, бу борада ҳам масъулиятсизликка йўл қўйилган. Фарғона ва Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 7-9 нафардан киши штатига эга футбол федерациялари ташкил этилган бўлса, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида футбол федерациялари фаолияти ҳанузгача йўлга қўйилмаган. Бошқача айтганда бу вилоятларда футбол учун жавоб берадиган шахс йўқ. Шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри бўйича ҳам футбол федерациялари ташкил этилмаган.

Вилоятларда футболни ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш ишлари ҳам ачинарли аҳволда. Бухоро, Андижон, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бу масала билан жиддий шуғулланилган эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятида эса жамғарма хўжакўрсинга, қоғозда бор холос. Бошқача айтганда улар маблағ билан таъминланмаган. Фақат Наманган ва Тошкент вилоятларидагина бундай жамғармалар ташкил этилган, холос.

### КОНТРАКТ

Профессионал футбол фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати футболчи ва клуб ўртасидаги муносабатларнинг қонуний асосга қурилгани контрактда ўз ифодасини топади. Контракт халқаро стандартларга мувофиқ бир йилдан уч йилгача муддатга тузилади. У футболчининг ҳам, клубнинг ҳам манфаатлари камситилмаслигини ва мураббийлар ҳамда футболчиларни уларнинг спорт маҳорати даражасига, команда



муваффақиятига ҳар бирининг қўшган ҳиссасига боғлиқ равишда моддий рағбатлантиришни, шунингдек, контракт шартлари бузилган тақдирда тегишли жарима санкциялари солишни назарда тутади. Биз клуб ва футболчи, мураббий ўртасида тузиладиган ва маълум маънода сир тутиладиган контрактларнинг молиявий жиҳатларига аралашмоқчи эмасмиз. Лекин бизни бошқа нарса ташвишлантиряпти. Нега футболчилар клуб билан атиги бир йилга контракт тузишяпти? Гоҳида контрактни имзолаш жуда узоқ муддатга чўзиляпти. Ўйинчилар нима учун ўз клубида муқим қатнашишга интилмаяпти? Бу ишончсизлик замирида нима бор? Футболчилар қўнимсизлигининг сири нимада?

Дарвоқе, бу масала Ўзбекистон футбол федерациясининг ижроқўми йиғилишида ҳам кўтарилди. Шу нарса маълум бўлдики, бизда ҳали контракт тузишнинг мустаҳкам қонуний асоси шаклланмаган. Контракт шартлари клуб томонидан ҳам, футболчи тарафидан ҳам бемалол бузилишига имкон тирқишлари мавжуд. Кўпроқ клуб раҳбарияти ўз зиммаларига олган мажбуриятни бузишмоқдаки, бу футболчиларда ишончсизлик кайфиятини шакллантиряпти. Жумладан, футболчиларнинг маоши, мукофот пуллари ўз вақтида тўланмаяпти.

Тўғри, ўйинчининг жамоага шу йил футбол мактабидан келиб, тажрибали, ёши катта футболчилар каби катта маблағ талаб қилиши адолатдан эмас. Лекин бу масала ўйинчи билан йил бошида тузиладиган контракт мустаҳкам қонуний асосда бўлса, у ўз-ўзидан ечим топади. Умуман олганда бу алоҳида мавзу. Футболчиларимиз эса айни кунда улар орасида «мода»га айланган: «Маҳоратим бор пайтида бойлик орттириб қолишим керак», деган тушунчадан тезроқ халос бўлишлари лозим. Улар бугун топилган маблағ эмас, балки бугун оширган маҳорати келажакда кўпроқ фойда келтиришини тушуниб етишларини истардик.

Шунингдек, Ўзбекистон футбол федерацияси контрактларнинг амал қилишини қаттиқ назорат остига олиши лозим. Гоҳида биз федерация томонидан ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Олайлик, футболчи О. Тиллаевга мавсум ўртасида «Нурафшон» клубидан «Динамо» (С) клубига ўтиши учун нега рухсат этилди? Ёки Қозоғистон чемпионатида ўйинлардан четлатилган футболчи қандай қилиб Самарқанднинг «Динамо» жамоаси сафида пайдо бўлиб қолди? Федерациянинг ўзи қатъий интизомга риоя қилмас экан, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

### МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 6-бандида барча вилоят марказларида ўсмирлар футбол мактаб-интернатлари очилиши лозимлиги кўрсатилган. Албатта, профессионал клубларни муносиб ўринбосарлар билан таъминлашда мактаб-интернатларнинг роли беқиёсдир. Чунки айнан шундай мактаблардагина профессионал футболчилар авлоди камол топади. Хўш, бу борадаги ишлар қандай кетяпти?

Шуни тан олиш керакки, 1996 йил давомида республикамизда футбол мактаб-интернатлари сони кескин ошди. Айни кунда юртимиздаги 14 та бундай мактаб-интернатларда 1071 нафар болалар ва ўсмирлар футбол сир-асрорларидан таҳсил олишяпти. Бу эзгу ишнинг мевасини яна беш-олти йилдан сўнг кўра бошлаймиз. Унинг қай даражада самара бериши эса бугун шу мактабларда яратилаётган шарт-шароитларга боғлиқдир. Лекин бу борада ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида мактаб-интернатлар фақат қоғозда «фаолият кўрсатишяпти». Чунки уларнинг ўқув-машғулотлар ўтказиш базаси ҳам, спорт базаси ҳам (майдон, зал), ётоқхона биноси ҳам йўқ. Мактаб-интернатлар маблағ билан таъминланмаганлиги боис фаолият кўрсатмаяпти. Бухорода ташкил этилган, 45 нафар бўлажак футболчи тарбияланаётган мактаб-интернат ўз майдони ва залига эга эмас. Сирдарё вилоятидаги 75 нафар футболчини тарбиялаётган мактаб-интернат учун яратилган шарт-шароитлар эса қониқарсиз. Чунки у оддий талабларга ҳам жавоб бермайди. Қашқадарё ва Навоий вилоятларидаги мактаб-интернатларнинг ҳам футбол майдони, спорт зали йўқ, яъни тарбияланувчилар бошқа ташкилотга қарашли майдонда, спорт залида ижарага шуғулланишади. Бу борада ҳам вилоятларнинг ҳокимликлари масъулиятни чуқурроқ ҳис қилишлари керак. Зеро, гап футболимиз келажаги, истиқболи ҳақида бормоқда. Агар футболимиз ривожланса, у юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузининг янада ошишига хизмат қилади.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Янги нашрлар

## «ШАРҚ ПРЕССТИЖ»



Республикамиз матбуоти яна бир янги нашр билан бойиди: январь ойида «Шарқ ПрессТИЖ» ҳафтаномасининг биринчи сони чиқди. У «Солиқлар ва божхона хабарлари» ва «Бизнес-Вестник Востока» газеталарининг иловаси бўлиб, шу таҳририятлар муассислигида рангли муқовада чоп этилган. Ҳажми эса А-4 бичимида 32 саҳифадан иборат.

Унинг саҳифаларида молия-банк тизими, иқтисодиёт, товарлар ва қимматли қоғозлар бозоридаги янгиликлар, республика ва чет эл биржаларидаги нарх-наволар билан танишасиз, тадбиркорлик фаолияти ва рўзғор юритиш юзасидан тезкор, фойдали маълумотларни оласиз, мамлакатимиз ҳаёти, жаҳон ҳамжамияти ҳамда ишбилармонлар дунёсидаги энг муҳим воқеалардан хабардор бўлиб борасиз.

Ушбу ҳафтанома мамлакатимизда мулкдорлар синфининг шаклланиши, уларнинг иқтисодиётимиз тараққиётидаги ҳиссаси салмоқли бўлишида ўз овозига эга бўлади, муштарийларнинг севимли нашрларидан бирига айланади, деб умид қиламиз.

**И. ҲОТАМОВ.**

## ҒОЛИБ ҚИШЛОҚ ЎҚИТУВЧИСИ

Қишлоқ мактабларининг ўқитувчилари шаҳарлик ўқувчиларга дарс бериши, анча қийиндек туюлади. Лекин, Тошлоқ туманидаги бошланғич синф ўқитувчиси Муборакхон Содиқова бу вазифани қойилмақом қилиб ўринлатди. У Фарғона шаҳридаги 1-ўрта мактабда дарс ўтиш қобилиятининг ўзига хослиги билан шаҳарлик ўқувчилар меҳрини қозонди. Натижада «Ўқитувчи-96» вилоят танловининг ғолиби деб топилди.

**Н. СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СОВҒА

***Саксон икки яшар Каримбой Долимов Косонсой шаҳрининг ўзи яшайдиган Чорбоғ маҳалласига икки қаватли магазинни ҳадя қилди.***

Магазинни қуришга у 700 минг сўмга яқин маблағ ажратди. Бу пулни у Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида кўп йиллар давомида ишлаб,тўплаган.

Оқсоқолнинг ҳадяси жуда кўнгилдагидек бўлди. Чунки маҳаллада одамлар зич яшашига қарамай, бу ерда магазин йўқ эди. Туман савдо ташкилотлари магазинга шафелик қилиб, маҳалла аҳлини сифатли саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб туриш мажбуриятини олди.

**Н. ХЎЖАЕВА (ЎзА).**

Ранг-баранг олам

## НИЯТИ ГЕНЕРАЛ БЎЛИШ

***10 яшар Валтер Лопес Рейес гондураслик таниқли олимлар ва тиббиёт ходимларини боши берк кўчага киритиб қўйди.***

Маълум бўлишича, боланинг ҳозирги вазни бор йўғи 6 килограмм ва бўйи 43 сантиметр, яъни салкам икки қарич бўлиб, туғилган пайтда кафтга сиғарди. Олимлар «бармоқ»дай боланинг қандай қилиб дунёга келгани тўғрисида ҳануз бир фикрга келолмай гаранг.

Дарвоқе, Валтер ақлий жиҳатдан бутунлай соппа-соғ, тезроқ улғайиб машина сотиб олиш ва унда уйга «келин» олиб келишни орзу қилади. Энг катта нияти -- келажакда, албатта, генерал бўлиш!

## НИМАНИ НАЗАРДА ТУТДИ ЭКАН

***Америкада 1963 йили отиб ўлдирилган АҚШ Президенти Жон Кеннеди ҳаётининг сўнгги дақиқалари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм лентаси топилди.***

Мутахассислар гарчанд Кеннедининг ёрдамчиси Дейв Пауэрси фильм лентаси тугаб қолгани сабабли Президентга ўқ отилган айни дақиқани лентага тушира олмаган бўлса-да, унгача бўлган кўринишлар ушбу қотиллик сабабларига бошқача ёндошиш имконини бериши мумкин эканини айтмоқда.

Жон Кеннедининг қотили, деб эълон қилинган Ли Харви Освальднинг беваси Марина Портер шу вақтгача эрига қўйилган бу айбга қарши ҳеч нарса демаган эди. Лекин кейинги пайтларда у бу айбноманинг нотўғри эканини таъкидламоқда. Кеннеди ўлимининг 33 йиллиги куни Марина Портер «Эй-Би-Си» телекомпанияси дастурларининг бирида чиқиб, Кеннедини Ли Харви Освальд ўлдирмаганини айтди. Шунингдек, у бу жиноят қанчалик чуқур ўрганилса, шунчалик даҳшати намоён бўлаверади, деди. Бу билан у нимани назарда тутгани ҳозирча номаълум.

## «АСТА ЛА ВИСТА...»

***Аргентиналик машҳур теннисчи Габриэла Сабатини хоним энди хотиржам яшайдиган бўлди.***

Габи (аргентиналиклар уни эркалаб, шундай деб чақиради) катта спорт билан бутунлай хайрлашди. Уни янги ҳаётга кузатиш учун Аргентина теннис миллий уюшмаси биносига 500 дан ортиқ одам тўпланди. Маросимда Габриэла хоним ҳаяжонини яшириб ўтирмади. У ниҳоят ҳамма одамларга ўхшаб кўчаларда бемалол сайр этиш имконига эга бўлганини, бироқ ўзининг севимли машғулоти билан хайрлашаётиб «аста ла виста, теннис...» (яхши қол, теннис...) дейиш, унга қанчалик оғир эканини айтиб, кўзига ёш олди.

Габриэланинг фақат теннисдан топган пули 9 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Рекламалардан тушадиган даромадлари ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Хуллас, Габи учун янги ҳаёт бошланди... Мухбирдарнинг турмушга чиқасизми, деган саволига у «йўқ» деб кескин жавоб берди. У яқинда Греция ва Исроил мамлакатларига саёҳат қилмоқчи.

Ҳамкорлик робиталари

## ТЕЛЕЭКРАНДА -- КОРЕЙС ТИЛИ ДАРСИ

***Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ташаббуси билан Ўзбекистон телевидениеси тўртинчи каналининг шанба дастурида корейс тилини ўрганиш бўйича дарслар бошланди.***

--Махсус усулият асосида бу машғулотларни ўтказиш учун Жанубий Кореядан юқори малакали мутахассислар таклиф этилди, -- деди кореяшунослик факультетининг декани Ким Мун Ук. -- Уларни Корея Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги халқаро ҳамкорлик бўйича Корея агентлиги икки йил муддатга бизнинг институтимизда ишлашга юборган.

Бу агентлик факультетимиз ўқитувчиларига олий ўқув юртлари талабалари учун корейс тили дарслигини нашр этишда ҳам ёрдам берди, дарслик корейс тилини ўқитиш савиясини анча оширишга имкон беради.

Телевидение орқали корейс тили дарсларини ташкил этиш ташаббусимиз давр тақозоси билан вужудга келган: у корейс халқи маданияти, тилини, урф-одатларини ва анъаналарини қайта тиклашга сўнгги йилларда Ўзбекистонда катта эътибор берилаётганини акс эттиради. Иқтисодиёт ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тез ривожланаётгани ҳам шуни тақозо этмоқда.

**С. ТЕН,**
**ЎзА мухбири.**





*Шу кунларда Самарқанд шаҳрининг Темир йўл туманида бир нечта қўғирчоқ ва халқ досталари фаолият кўрсатмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: жажжи санъаткорлар; «Панжоб» груҳи хонандалари Ж. Козимов (ўртада), созанда М. Ғуломов ва туман маданият ишлари бўлими бошлиғи Н. Бокиров.*

**Н. НУРМУҲАММАД олган суратлар.**

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» давлат қрилиш-монтаж тресги жамоаси Янги Ангрен ГРЭСи директори ўринбосари

**Э. ВАЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисодиёт институти жамоаси катта илмий ходим, иқтисодиёт фанлари номзоди Р. Толибжоновга акаси

**Қобилжон АХМАДЖОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Асакабанк» жамоаси банкнинг автотранспорт бўлими бошқарувчиси Жўрабек Мусабековга ва банк механиги Комил Мусабековга отаси

**Ҳакимжон МУСАБЕКОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси касаба уюшма Фарғона вилоят қўмитаси раиси М. Мўминовга онаси

**РОҲАТБУ аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

---

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк» бошқаруви Бухоро вилояти Жондор туман бўлими бошқарувчиси

**Равшан ОМОНОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқин қариндошларига таъзия изҳор этади.

---




Ўзбекистон Фанлар академияси тупроқшунослик ва агрокимё институти жамоаси аналитик марказ бўлими бошлиғи Абдунаби Боировга отаси

**Жўра БОИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Диққат! Диққат!*

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги
Республика театр арбоблари уюшмаси Тошкентда

*1997 йил 10-17 феврал*

кунлари бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йилигига бағишлаб

*"НАВРЎЗ АРАФАСИДА-97"*

театр санъати фестивали ўтказади.

Фестивалда қатнашиш истагини билдирмоқчи бўлсангиз,ёзма равишда қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

**Тошкент, Навоий кўчаси, 30, Маданият ишлари вазирлиги.**
**Ташкилий қўмита: тел. - 44-23-12, 44-53-42, 44-63-73.**



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — А. Мадатов.
Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 020 40429 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.30

1 2 3 4 5 6